# Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 26 АВГУСТ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 174 – 175 (13.237–13.238)

Баҳоси эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*Ф А Р М О Н И*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришга, фуқароларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, қонунийлик ва ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ва юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:*

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист”

**Ачилов Илхом Каландарович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қуролли Кучлар, Миллий хавфсизлик хизмати ва божхона органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи

**Аюбов Улугбек Толаганович** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедрасининг катта ўқитувчиси

**Ёдгоров Холмўмин Буврабоевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Жалолов Бахтиёр Одилович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Окюлов Оманбай** — Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедрасининг профессори

*Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### “Меҳнат шуҳрати” ордени билан

**Шамсутдинов Бахрам Абдуллаевич** — Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси давлат солиқ бош инспектори

### II даражали “Шон-шараф” ордени билан

**Абдинабиев Шавкат Азадбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хизмати бошлиғи

**Абдуюсупов Мурод Абдурахимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Алиев Шухрат Хасанович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Исмоилов Ойбек Ортикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Хамраев Азиз Сирожиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати бошлиғи

### “Дўстлик” ордени билан

**Абдуганиев Бахтиёр Ермахаматович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Марказий божхона лабораторияси бошлиғи

**Максудова Гулбахор** — Тошкент юридик коллежи “Конституциявий ҳуқуқий фанлар” кафедрасининг ўқитувчиси

**Рахматов Эркин Облобердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғи

**Салимов Азиз Халимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портлаш техникаси экспертиза маркази бошлиғи

**Цой Эдуард Алексеевич** — Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг биринчи ўринбосари

**Шерйигитов Мамаюсуб Мамадиярович** — Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди судьяси

**Шиголев Евгений Станиславович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати бошлиғи

**Югай Станислав Валерьевич** — Қорақалпоғистон Республикаси фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

### “Мардлик” ордени билан

**Абиджанов Камолиддин Абдукаххорович** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Байбабаев Собиржон Азимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Гафуров Абдурашид Абдумажидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи мутахассиси

**Зиямухамедов Руслан Исломжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси штурмани

**Ибадуллаев Атабек Сапабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғи

**Махмудов Фазлиддин Хомитович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

**Муханов Бахрам Вахабович** — Давлат божхона қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими бошлиғи

**Хусанов Ғанишер Умаралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг гуруҳи взвод командирининг ёрдамчиси

*(Давоми 2-бетда)*

КВОН ЁН У:

## “ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИ БИЛАН ҲАР ҚАНЧА ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ”

***Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси вақт синовидан ўтган ишончли стратегик шериклардир. Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар ва муштарак интилишлар самарасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишда изчил ривожланмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан ЎзА мухбири Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Квон Ён У билан суҳбатлашди.

**– Жаноб элчи, суҳбатимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтмоқда. Мамлакатимизда истиқлол йилларида турли жабҳалар, жумладан, иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақидаги фикрларингизни билдирсангиз.**

– Ўзбекистон бой табиий ресурслари, юқори малакали кадрлари ва қулай географик жойлашуви билан улкан иқтисодий салоҳиятга эга давлат.

Мустақиллик йилларида кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг амалга оширилгани ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришилгани самарасида Ўзбекистон бозор иқтисодиёти жадал ривожланаётган индустриал давлатга айланди.

Ўзбекистонда саноат ва инфратузилмани ривожлантириш, маҳаллийлаштириш дастурлари ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналарининг ташкил этилгани ва иқтисодиётга хорижий инвестицияларнинг кенг жалб этилаётгани бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

Корея Республикаси беғараз ёрдам бериш лойиҳалари, ўзаро билим алмашиш бўйича қўшма дастурни (KSP) амалга ошириш, инвестиция киритиш орқали ушбу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз келажакда ҳам ривожланиб, янада мустаҳкамланишига ишонамиз.

**– Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболини қандай баҳолайсиз? Мамлакатларимиз ҳамкорлигининг қайси йўналишларини устувор деб ҳисоблайсиз?**

– Келгуси йил Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигини нишонлаймиз. Шу йиллар давомида мамлакатларимиз барча жабҳада, жумладан, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий соҳаларда стратегик шерикларга айланди.

*(Давоми 3-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## А Х Б О Р О Т

**2016 йил 25 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.**



Сенаторлар ялпи мажлиснинг иккинчи кунини Олий Мажлиснинг қуйи палатасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган **“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини (янги таҳрири) кўриб чиқишдан бошладилар.

Ушбу Қонун меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга, ташкилотларда иш берувчилар ва ходимларнинг мазкур соҳага доир талабларни бажариш бўйича масъулиятини кучайтиришга, меҳнат шароити ва меҳнатни муҳофаза этиш бўйича тегишли шароитлар яратилиши устидан назоратни таъминлашга доир вазифаларини белгилашга, ушбу соҳадаги жамоат назорати самарадорлигини оширишга, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитларида амалдаги қонуннинг айрим нормаларини янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқлаштиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Қонунга янги тушунчалар киритилди, иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш, меҳнатнинг муҳофаза қилинишини бошқариш тизими аудити, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалинишни текшириш ҳамда ҳисобга олиш масалалари аниқ тартибга солинмоқда.

Мазкур соҳада жамоат назоратини амалга оширишда кенг жамоатчилик ва касаба уюшмалари иштирокининг аниқ механизмлари белгиланмоқда, уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолият билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Сенаторлар ушбу Қонун бозор иқтисодиётининг ҳозирги замон талабларига ва демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларга мувофиқ келишини ҳамда иқтисодиётнинг турли соҳалари ходимлари учун муносиб меҳнат шароитларини яратишга, шунингдек, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ривожлантиришга кўмаклашишини билдирдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонунни кўриб чиқдилар. Ушбу Қонунга мувофиқ бир қатор қонун ҳужжатларига ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига акциядорлик жамиятларига чет эллик инвесторларни кенг жалб қилишга, корпоратив бошқарувда уларнинг фаол иштироки учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, акциядорлик жамиятларида чет эллик инвесторларнинг устав капиталидаги улуши камида 15 фоизни ташкил этиши лозимлиги назарда тутилган тартиб ўрнатилмоқда.

*(Давоми 3-бетда)*

## “AFROSIYOB”НИНГ НАВБАТДАГИ МАНЗИЛИ БУХОРО

***Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида юқори тезликда ҳаракатланувчи “Afrosiyob” поезднинг Тошкент – Бухоро йўналиши бўйича қатнови йўлга қўйилди.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ темир йўл транспортини изчил ривожлантириш орқали ягона миллий темир йўл тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Узоқ истиқболга мўлжалланган махсус дастурлар, лойиҳалар асосида ушбу соҳада кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида ўтган йигирма беш йилда янги темир йўл линиялари барпо этилиб, асосий транзит участкалар реконструкция қилинди ва электрлаштирилди. Янги йўналишлар ташкил этилиб, янги йўллар, вокзаллар қурилди, мавжуд темир йўл вокзаллари таъмирланди.

Навоий – Учқудуқ – Султон Увайсғоғ – Нукус темир йўли мамлакатимиз шимолини марказ билан, Амударё орқали ўтган кўприк эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини бошқа ҳудудлар билан боғлади. “Аср мўъжизаси” деб ном олган ноёб иншоот – Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўл линияси жанубий ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Қамчиқ довони орқали ўтган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линияси ва ундаги Қамчиқ туннелининг ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл орқали боғлаш имкониятини яратди. Мазкур темир йўл тармоғи Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Бундан беш йил аввал, истиқлолимизнинг 20 йиллиги арафасида Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда Тошкент – Самарқанд йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган “Afrosiyob” поезди қатнови йўлга қўйилди. Кейинчалик бу борадаги ишлар бошқа йўналишларда ҳам давом эттирилди. 2015 йилда Самарқанд – Қарши темир йўл линиясини электрлаштириш ишлари якунига етказилди ва “Afrosiyob” поезди Қарши шаҳрига қатнай бошлади.



УзА олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 мартдаги “Самарқанд – Бухоро темир йўлини электрлаштириш ва юқори тезликдаги йўловчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида ўтган йили Самарқанд – Бухоро йўналишидаги мавжуд темир йўл линияларини реконструкция қилиш, янги пўлат излар ётқизиш ҳамда электрлаштириш ишлари бошланди.

*(Давоми 3-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Навоий шаҳрида “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилган “Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти” кўрик-танловининг вилоят босқичида танловнинг қуйи босқичларида муваффақият қозонган бошланғич ташкилотлар 9 номинация бўйича баҳслашди.**

**• Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимлари, ўқитувчи ва мураббийлари иштирокида анъанавий август кенгаши ўтказилди. Анжуманда янги ўқув йилида илғор педагогик технологиялар ва замонавий ахборот технологияларини таълим жараёнига кенг жорий этиш орқали таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш, битирувчилар бандлигини таъминлаш, таълим муассасалари раҳбар ва педагоглари, ишлаб чиқариш усталари олдида турган вазифалар ҳақида фикр алмашилди. Тадбир доирасида илғор педагогик технологиялар ва ўқувчиларнинг ижодий ишлари кўргазмаси намойиш этилди.**

**• Қашқадарё вилоятидаги “Лочин” оромгоҳида ўтказилган “Юрт келажаги – 2016” республика иқтидорли ёшлар танловининг мамлакат босқичида 446 нафар ўғил-қиз иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**• Яқинда бутун жаҳон бўйлаб ҳаво кемасида муваффақиятли саёҳатни амалга оширган россиялик сайёҳ Фёдор Конюхов яна бир ўзига хос рекорд ўрнатиладиган саёҳатни режалаштирмоқда. Бу гал у стратосфера бўйлаб ҳеч ким аввал чиқмаган баландликда – 25 километр юқорида саёҳатни уюштиришни кўзда тутган. Бунга мўлжалланган ҳаво шари Англияда тайёрланмоқда.**

**• Кеча УЕФА версияси бўйича жорий йилги Европа чемпиони португалиялик Криштиану Рональду 2015/2016 йилги мавсумда Европанинг энг яхши ўйинчиси деб топилди ва махсус соврин билан тақдирланди.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

## “Жасорат” медали билан

**Абдреимов Расул Жумабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдувалитов Ермахамед Буранович (мархум)** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси “Қўриқлаш” бошқармаси алоҳида батальони отряд командирининг ўринбосари

**Абдурасулиев Толибай Исатдинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Алланазаров Карим Рахмонкулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Арзикулов Илхомжон Низомиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахмаджонов Латибжон Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахроров Обид Олимхонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Буранов Акмал Иргашевич** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Бутаяров Нурали Жанкабилович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Енсепбаев Абдирейим Каражанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жалилов Санжар Акбарович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси бўлинма бошлиғи

**Каллибеков Саламат Кеунимжаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Каримов Жахонгир Хабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Киличев Фахриддин Ибройимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара райони бошлиғи ўринбосари

**Кузиев Бахтияр Садикжанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Маджидов Азим Каххарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Максудов Нуриддин Насириддинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Махаматов Сардор Алишерович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Махкамов Валижан Яхияматович** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармасининг ҳарбийлаштирилган қўриклаш отряди командаси бошлиғи

**Махкамов Сахобжон Комолович** — Жиззах вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди гуруҳи командири

**Мирзаев Шухратжон Абдуманобович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг бўлими катта офицери

**Назаров Алишер Махмудович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳи командири

**Одилов Бахтиёр Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Очилов Абдураззок Холмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Примов Санжарбек Шавкатович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Рахмонов Жавлонбек Махамаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг “Қамчиқ” махсус қидирув-қутқарув бошқармаси гуруҳи командири

**Сатторов Жасурбек Абдугафурович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Таджиев Равшанжон Закирджанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Темиров Собир Ғуломович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Тиловов Дилшод Баходир угли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм звено командири

**Тошбоев Содик Донакулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тураев Мухаммадхон Аюбхонович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳи командири

**Турсунходжаев Искандар Саидиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ураков Юсуф Абдуназарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости бошлиғининг ўринбосари

**Хаиров Шакир Фаридович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Хакимов Рустам Нематович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хамдамов Хуршид Хамидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Хамидиллаев Абдухалил Соходуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳи мутахассиси

**Холмирзаев Зойир Файзуллаевич** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта йўриқчиси

**Хужакулов Хамза Тураевич** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Шарапов Малик Ганиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шаропов Рустам Юлчивоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси мутахассиси

**Юсупов Джохонгир Нодирович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

## “Содиқ хизматлари учун” медали билан

**Абдумуминов Махмуд Менгтураевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Акбаров Санжар Акбар угли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Алимов Шерзод Боходирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бегматов Шерзод Нурматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Бойболаев Хотамжон Хасанбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

**Боймуротов Содиқ Роззиқович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси давлат солиқ бош инспектори

**Валиев Комолиддин Убайдуллаевич** — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Джураев Жамшид Раимджанович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Қодиров Ғайрат Абдуқаххорович** — Тошкент вилояти Бўка тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

**Кожаметов Парахат Даулетбаевич** — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармасининг бошлиғи

**Кучкоров Уткир Амонбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мамажонов Зухридин Ахмаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Матмуротов Маъруфжон Мухамадалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

**Мирзаев Шерзод Гофуржонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирсаатов Одилжон Мирхомитович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Морено Станислав Леонардович** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизмати катта офицери

**Музафаров Туроб Мухитдинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи

**Муминов Шерзод Кувандикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бўлими бошлиғи

**Мухтаров Фуркат Шахобидинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби катта инспектори

**Назиров Бехзод Жўрамирзаевич** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Нарбаев Нуриддин Хамиджанович** — Тошкент вилояти Чиноз тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Нарбаев Алишер Тухтаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Нишанов Латиб Гуломидинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармасининг бошқармаси бошлиғи

**Носиров Санжар Носирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара райони бошлиғи

**Нуритдинов Хусниддин Норпулатович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бўлими бошлиғи

**Нуруллаев Арзикул Журакулович** — Тошкент тиббиёт академияси қошидаги Ҳарбий-тиббиёт факультетининг кафедраси бошлиғи

**Пак Вячеслав Юревич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг бошқарма бошлиғи ўринбосари

**Парпиев Одилжон Азадович** — “Тошкент-АЭРО” ихтисослаштирилган божхона комплекси “Тошкент халқаро аэропорти” чегара божхона пости бошлиғи ўринбосари

**Пилипенко Дмитрий Васильевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ хизмати бошлиғи

**Пулатов Бобомурод Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта техниги

**Рахманов Уктам Рамазанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Ризоев Камолжон Миржонович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фавқулодда вазиятларда бошқарув маркази бошлиғининг ўринбосари

**Сагатов Абдулла Фаттахович** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус аварияларни тиклаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Саидкаримов Саидлазиз Саидасилович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Сафаров Шерзод Муратович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бош илмий ходими

**Таджиев Эркабай Аминович** — Тошкент вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари

**Тоиров Азизжон Икромович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси бўлими бошлиғи

**Тухтаматов Равшан Холматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Санитар-эпидемиологик назорати маркази бошлиғи – бош санитар шифокори

**Тухтасинов Казимжон Косимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Умаров Отабек Улугбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи катта мутахассиси

**Ўрмонов Қахрамонжон Кобилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Хазиев Амир Рауфович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ хизмати бошлиғи

**Хамраев Каххор Муминович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бўлими бош мутахассиси

**Холиков Тулкин Уракович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Чариев Рустам Жумаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шайманов Уткир Хамраевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Шониятов Шохобиддин Шоюсупович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бўлинмаси бошлиғи

**Эгамбердиев Бахтиёр Нумонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара райони штаби бошлиғининг ўринбосари

**Юсупов Шухрат Набиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети бошлиғининг ўринбосари

**Якубов Фарход Боходирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

## “Шухрат” медали билан

**Аберкулов Шавкат Эшимович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи

**Адашбекова Рано Шадмановна** — Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар прокуратураси катта нозири

**Акбаров Хаётбек Рахмонжонович** — Андижон вилояти Адлия бошқармаси нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ органлари бўлими бошлиғи

**Ахмедов Азизбек Адхамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳи командири

**Бахронов Фируз Мирзокулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Бекмуратов Комилбек Кабилбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ботиров Равшанбек Ривожидинович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати отряд милиционери

**Дадаходжаева Барно Кочкаровна** — Тошкент шаҳар прокурорининг кадрлар бўйича ёрдамчиси

**Джалилов Дилшодбек Ганижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти гуруҳи командири

**Джураева Лайло Раимовна** — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар адвокатлик фирмаси адвокати

**Джураева Комила Гафуровна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академияси “Информацион технологиялар” кафедрасининг мудири

**Душанов Комил Баходирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Едгаров Нодир Шокиралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Ермекбаев Нурлан Бегалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штабининг бошқармаси бош муҳандиси

**Жаббарбергенов Досберген Туримуратович** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар маҳалла фуқаролар йиғини “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси раҳбари

**Жамонкулов Жавлонбек Хабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взводи назоратчиси

**Зияев Нарзулла Нематович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Самарқанд вилояти Жомбой тумани автомобиль мактабининг катта устаси

**Исмаилов Дилшод Уктамович** — Сирдарё вилояти Сардоба тумани маҳалла фуқаролар йиғини “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси раҳбари

**Истамов Нодиржон Искандарович** — Бухоро вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг радиацион ва кимёвий муҳофаза бўлинмаси бошлиғи

**Ишонкулов Акрам Адхамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Қаххоров Фаррух Бахтиёрович** — Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология маркази директорининг илмий ва машқ ишлари бўйича ўринбосари

**Кодиров Илхомжон Абдусаттарович** — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Кулмонов Азамат Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командири

**Кўнгратов Мирзохид Шарапуллаевич** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи

**Маматкулов Жамшит Олимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Марахимов Музаффаржон Мирзарахмонович** — Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди судьяси

**Матмуратов Ихтияр Жалгасович** — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяси

**Мирзаев Акрам Мингнорович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Мирзаев Фарход Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирзахакимов Отамирза Абдумажитович** — Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани маҳалла фуқаролар йиғини “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси раҳбари

**Мирсафаев Джахонгир Сирожиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси кадрлар бошқармаси бошлиғи

**Муродов Мухриддин Қиёмиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взводи назоратчиси

**Мустафакулов Шавкат Наркулович** — Сирдарё вилояти Гулистон тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Мухаммадиев Актам Зайниддинович** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Набиев Азизжон Абдисамиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бўлими бошлиғи

**Нарматов Юлдашали Сотвалдиевич** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ўқув спорт-техника клуби методист-инструктори

**Насридинов Дилшод Улмасович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Негматова Дилафруз Хусановна** — Самарқанд ҳарбий-академик лицейининг ўқитувчиси

**Низамов Фазлихон Сафарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедраси доценти

**Рахимов Жахонгир Чориевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Рахматов Жасур Джамшерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати бошлиғи

**Рустамов Баходир Холмирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Савелева Лариса Владимировна** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

**Салоҳидинов Икромжон Олимжонович** — Фарғона вилояти Қўштепа тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Сангиров Максиммурот Махрамович** — Жиззах вилояти Бахмал тумани давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

**Таирова Мадина Акбаровна** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедраси мудирининг ўринбосари

**Тўраев Рўзим** — Хоразм вилояти Шовот тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг катта нотариуси

**Тургунова Нодира Мухтаралиевна** — Фарғона ҳарбий-академик лицейининг ўқитувчиси

**Турсуналиев Ахрор Ахмаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хайдаров Камолиддин Шаробидинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Худайбердиев Бахтиёржон Толибович** — Наманган вилояти прокурорининг ўринбосари

**Хужакулов Мамарайим Абдурайимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

**Хусанова Фатима Усмановна** — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси

**Чориев Эргаш Эгамбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взводи назоратчиси

**Шамсиев Нурали Зайдинович** — Навоий вилояти Хатирчи тумани давлат солиқ инспекцияси шўъба бошлиғи

**Эгамбердиев Жавлонбек Хошимович** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси гуруҳи командири

**Эгамбердиев Одилбек Пулатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эгамов Бехзод Дониерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Эменов Фахриддин Мансурович** — Самарқанд вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди қутқарувчиси

**Эшондедаев Ёдгоржон Гуламович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Юлдашев Гайрат Кувандикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинмаси бошлиғи

**Юсупов Уктамбой Абсамадович** — Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани прокурори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2016 йил 25 август*

***Ватан саждагоҳ каби муқаддас. Шундай экан уни ёвуз ва тажовузкор кучлардан ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш шу заминда яшаб, унинг мусаффо ҳавосидан баҳра олаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланади.***

# ВАТАНГА МУҲАББАТ – ОЛИЙ САОДАТ

Бугунги кунда теран ҳақиқатни чуқур англаган юртдошларимиз истиқлолнинг 25 йиллик муборак тўйини хизматдаги ютуқлари билан қарши олиш ва кўтаринки кайфиятда нишонлаш тараддудида ёниб яшамоқдалар, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар таълим муассасаларида ҳам қалбларида куч ва ғайрат балқиб турган ёш, жасур ва мард ўғил-қизларга таълим-тарбия бериш жараёнида тингловчи ва курсантларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, улар онгу шуурида садоқат, адолат, ҳалоллик ва халққа сидқидилдан хизмат қилишдек олижаноб фазилатларни қарор топтириш йўлида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида давлатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига бағишлаб Ички ишлар вазирлиги "Замонавий шароитда ватанпарварлик тарбиясини янада юксалтиришнинг долзарб масалалари" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Зеро, ёшларни ватанпарвар этиб тарбиялаш масаласи – жамиятда қонунийлик, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар, Адлия, Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Олий суд, Республика Маънавият-тарғибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, шунингдек, бошқа вазирлиқ, қўмита ва ташкилотлар, Мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар таълим муассасалари ҳамда Ички ишлар вазирлиги соҳавий хизматларининг вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманни ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Мирзаев кириш сўзи билан очиб, ватанпарварлик дунёдаги энг олий туйғулардан бири эканлиги, ватанпарвар инсонгина Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юрт тинчлигига хизмат қилишга ўзининг ҳаётини бағишлаши, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашига алоҳида тўхталар экан, Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ходим Ватанга муҳаббатни юрагига жойлаб, тараққиёт ҳамда тинчлик-осойишталик учун жонбозлик, фидойилик кўрсатишини даврнинг ўзи тақозо қилаётганига эътиборни қаратди.

Конференцияда ватанпарварлик тарбиясини юксалтиришнинг қонунчилик асослари ва уни такомиллаштириш истиқболлари, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, таълим-тарбияни такомиллаштириш борасида ҳам фикр алмашилди. Шунингдек, иштирокчилар томонидан ватанпарварлик тарбиясининг ҳозирги ҳолати, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги ўрни ва уни янада юксалтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда шу кунгача амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият юксалиб боратётгани таъкидланди.

Амалий мунозараларга бой руҳда ўтган ушбу анжуман якунида билдирилган фикрлар умумлаштирилиб, айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада юксалтириш, бу борада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари натижаларини ҳаётга татбиқ этиш, шу билан бирга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда юзага келаётган муаммоларни аниқлаш, тадқиқ ва таҳлил этиш асосида, мазкур соҳани такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**З.ШАРИФЖОНОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# А Х Б О Р О Т

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Солиқ кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ хорижий инвестициялар иштирокидаги акциядорлик жамиятлари уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелда қабул қилинган "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга тақдим этилган юридик шахсларнинг фойда солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва бошқа солиқлар бўйича имтиёзлар хорижий инвесторнинг улуши устав капиталининг 15 фоизидан 33 фоизигача миқдорни ташкил этадиган акциядорлик жамиятларига татбиқ этилишини назарда тутувчи қўшимчанинг Солиқ кодексига киритилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги қонунларга киритилган қўшимчаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба мақоми берилди, бу қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини фуқаролар эътиборига ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида ва тўлиқ етказиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиб беради. Сенаторларнинг фикрича, бу ҳам аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада яхшилашга хизмат қилади.

Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига уларнинг нормаларини янги қабул қилинган "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонунга мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Айрим тузатишлар суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган. Хусусан, "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартишлар махсус ва ҳуқуқий масалаларни ўз ичига олган ўқитиш дастурига мувофиқ суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини вақти-вақти билан ошириб боришнинг ягона тизимини жорий этишга қаратилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.



Сўнгра сенаторлар ялпи мажлис кун тартибига мувофиқ **давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига парламент сўровларини юбориш тўғрисидаги** масалани кўриб чиқдилар.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонунга, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги ва "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ сенаторлар Бош вазир ўринбосари Б.Зокировга кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини яхшилашда маҳаллий давлат бошқаруви органларининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш тўғрисидаги масала ҳақидаги парламент сўрови юборилиши тўғрисида қарор қабул қилдилар. "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси бошлиғи Б.Гуломовга аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, саноат хавфсизлиги ва радиация хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши тўғрисидаги масала юзасидан парламент сўрови юборилди. Маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедова мамлакатимизда театр санъатини ривожлантириш, театр муассасаларининг моддий-техника базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, халқимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларини акс эттирувчи саҳна асарларини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги масала бўйича парламент сўрови юборилди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатнинг икки кун давом этган мажлисида 10 та масала, шу жумладан, демократик ислоҳотларни босқичма-босқич чуқурлаштиришга ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 6 та қонун кўриб чиқилди, уларнинг рўёбга чиқарилиши мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини янада оширишнинг, барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлашнинг кучли омили бўлиб хизмат қилади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати**

КВОН ЁН У:

# "ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИ БИЛАН ҲАР ҚАНЧА ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ"

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Икки давлат раҳбарларининг мунтазамлик касб этган учрашувлари ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хе 2014 йилнинг июнь ойида Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2015 йилнинг май ойида Корея Республикасига давлат ташрифи билан борди. Мазкур ташриф доирасида логистика, инвестиция, энергетика, табиий ресурслар, ахборот технологиялари, молия, қайта тикланадиган энергия манбалари, маданият ва мудофаа соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

2016 йилнинг май ойида Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Ан Ўзбекистонга ташриф буюриб, йирик қўшма лойиҳа – Сурғил кони негизида барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуасининг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

Корея Республикаси Сурғилдек йирик лойиҳаларни ишлаб чиқишни давом эттиради, шу тариқа мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик янада ривожланишига ҳисса қўшади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг 2015-2019 йилларда инфратузилмани ривожлантириш ва саноатни модернизация қилиш дастурларида, "Электрон ҳукумат" тизими, қайта тикланадиган энергия манбалари, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш, молия соҳаларини ривожлантиришда иштирок этишни ўзаро ҳамкорлигимизнинг истиқболли йўналишлари деб биламиз.

Ўзбекистон минтақадаги муҳим транспорт узели сифатида ҳам катта салоҳиятга эга. Шу боис инфратузилма ва логистика соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга оширишни давом эттириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**– 2016 йил Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинди. Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикрингизни билдирсангиз.**

– Ўзбекистон мустақилликка эришгач, иқтисодиётни изчил ривожлантириш билан бирга соғлом авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди ва бу таҳсинга лойиқдир.

Мамлакатларимиз ушбу йўналишда ҳам фаол ҳамкорлик қилаётир. Айни пайтда KOICA агентлиги билан ҳамкорликда ва EDCF лойиҳалари орқали Тошкент шаҳрида республика кўп тармоқли болалар шифохонаси барпо этилмоқда.

Корея Республикасининг тиббиёт ташкилотлари ва Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган компаниялари болаларни бепул даволаш ва операция қилиш, масофадан туриб даволашни ривожлантириш, икки мамлакат тиббиёт ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

**– Тошкентда бўлиб ўтган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида иштирок этган Жанубий Корея компаниялари вакиллари мамлакатимиз агросаноат комплекси салоҳиятини қандай баҳолади?**

– Қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати ва сервис хизматини "олтинчи саноат" деб бежиз айтишмайди. Озиқ-овқат таъминоти халқаро ҳамжамият учун асосий муаммолардан биридир. Шу боис қишлоқ хўжалигининг ўрни кун сайин ортиб бораётир.

Яқинда Тошкентда ўтказилган халқаро мева-сабзавот ярмаркасида Жанубий Кореянинг кўплаб вакил ва мутахассислари иштирок этиб, ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ўзаро манфаатли шартномалар имзолади.

Қулай тупроқ-иқлим шароитлари ва малакали ишчи кучига эга Ўзбекистон мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтириш борасида ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширмоқда ва бу салмоқли натижалар бермоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 80 мамлакатига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилаяпти. Серқуёш ўлкангизда етиштирилган мева-сабзавотлар ўзининг мазали таъми ва фойдали хусусиятлари билан дунёга машҳур. Авиаташувлар кенгайиши муносабати билан Ўзбекистон яқин вақт ичида жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи етакчи давлатга айланишига ишонамиз.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар самарасида Ўзбекистондан Жанубий Кореяга юқори сифатли мева-сабзавотлар етказиб бериш кўпайиб, мамлакатларимиз ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси янада ривожланади.

**– Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақидаги фикрларингизни баён этсангиз...**

– Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йилларидан тинчликпарвар ташқи сиёсат юритиб, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлашга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишда фаол иштирок этмоқда. Давлатингизнинг мазкур мақсадга ҳарбий йўл билан эмас, балки фақат сиёсий музокаралар ўтказиш орқали эришиш мумкинлиги тўғрисидаги қатъий позициясини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1993 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси сессиясида илгари сурган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни барпо этиш ташаббусини юқори баҳолаймиз. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2014 йилги мажлисида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг Хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги протоколи имзоланиши ушбу ташаббуснинг тўлиқ амалга оширилишига хизмат қилди.

**– Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан халқимизга байрам тилакларингиз...**

– Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни ва ўтган 25 йил давомида эришган улкан муваффақиятлари билан самимий табриклайман. Халқингиз мустақиллик йилларида эришган ютуқлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Ўзбекистонга равнақ, халқингизга бахт-саодат тилайман.

**Нодира МАНЗУРОВА суҳбатлашди**

# "AFROSIYOB"НИНГ НАВБАТДАГИ МАНЗИЛИ БУХОРО

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мазкур йўналишдаги темир йўл 259 километр. Умумий қиймати қарийб 400 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи лойиҳа қисқа муддатда, яъни 16 ойда амалга оширилди. Мингдан ортиқ темирйўлчилар, қурувчи ва мутахассислар ҳар қандай об-ҳаво шароити ва табиат инжиқликларига қарамай белгиланган ишларни ўз вақтида, сифатли бажарди. 220 дан ортиқ замонавий техника ва механизм ёрдамида 16,2 миллион кубометр тупроқ ишлари бажарилди. 146 километрлик Мароқанд – Навоий участкасида ер кўтарма ишлари амалга оширилиб, алоҳида янги темир йўл қурилди. Навоийдан Бухорогача бўлган масофада мавжуд пўлат излар тўлиқ реконструкция қилинди.

Темир-бетон таянчлар, туташтириш тармоқлари, кўндаланг металл мосламаларнинг ўз вақтида етказиб берилгани иш суръатини бир меъёрда ва кўзда тутилган муддатда олиб бориш имкониятини берди. Эътиборлиси, тармоқни электрлаштиришда ишлатилган 6 мингдан ортиқ темир-бетон таянчлари ва бошқа жиҳозлар маҳаллий корхоналар томонидан тайёрланган. Магистралнинг икки томонида 500 километрдан зиёд масофага металл тўсиқлар ўрнатилди.

Ушбу йўналишда 222 сунъий иншоот, жумладан, 1 пиёдалар ўтиш йўлаги, 4 йўл ўтказгич ва 4 кўприк қуриб битказилди. Поездларни доимий электр қуввати билан таъминлаш мақсадида ҳудудда 4 электр станцияси бунёд этилиб, замонавий техник жиҳозлар билан таъминланди.

Каттақўрғон шаҳрида бир йўла юз нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга замонавий вокзал биноси қад ростлади ва бугунги кун талаблари даражасида жиҳозланди. Узунлиги 400 метрни ташкил этувчи бетон платформа бунёд этилди.

Лойиҳа доирасида Бухоро вокзали замон талаблари даражасида реконструкция қилинди. Эски, кўримсиз бино ўрнида 300 йўловчига хизмат кўрсатишга мўлжалланган ва халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган муҳташам вокзал биноси қад ростлади. Мажмуада йўловчилар учун жаҳон андозаларига мос шароит яратиш мақсадида энг сўнгги русумдаги техник воситалар, замонавий жиҳозлар ўрнатилди. Кенг, кўркам кутиш зали, чиптахоналар, она-бола ва тиббиёт хонаси барпо этилди. Юқори мартабали меҳмонлар ва сайёҳларни кутиб олиш, кузатишга мўлжалланган зал қурилди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ушбу лойиҳа тўлиқ ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилди ва 25 август куни Тошкент – Бухоро йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электр поездининг илк қатнови амалга оширилди. Поезднинг дастлабки йўловчилари меҳнат фахрийлари, темирйўлчилар, Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятлари фаоллари ва ёшлар вакиллари бўлди.

– Мустақиллик йилларида юртимизда темир йўл соҳасида амалга оширилган беқиёс янгиланишлар мўъжизанинг ўзи, – дейди Бухоро муҳандислик-технология институти ўқитувчиси Фармон Аминов. – Бундан бир неча йил олдин Бухоро ва Тошкент шаҳарлари ўртасида "Шарқ" тезюрар поезди қатнай бошлаганда пойтахтга 10-12 соатда қатнаб ўрганган бухороликлар бу вақт тенг ярмига қисқарганига ишонмаган, ҳатто чўчиган ҳам эдик. Чунки Тошкентга бориш ва яна Бухорога қайтиш учун икки кун вақтимиз йўлда ўтарди. Бунинг устига 600 километрлик масофани ана шунча вақтда босиб ўтишда вагонлар ичи қишда совиб кетар, ёзда эса иссиқ ва дим ҳавода нафас олиб бўлмасди. Йўл азоби кишини ҳолдан тойдирарди. Бундай шароитда "Шарқ" мўъжизадек туюлган эди-да. Бугун энди қаранг, юртимиз тараққиётига монанд поездларимизнинг ҳам шиддати, тезлиги ошиб бормоқда. Тошкент ва Самарқанд ўртасида "Afrosiyob" поезди қатнай бошлаганида унинг имкониятлари ҳақида эшитиб, ҳавас қилгандик. Ўша йилларда Президентимиз бундай поездлар юртимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам боради, деб айтганида "ўша кунларни биз ҳам кўрамизми?" деб ўйлагандик. Яратганга шукр, бугун орзу қилган кунга етдик, замонавий поезднинг илк йўловчиси бўлиб, ҳурмат-эҳтиром кўряпмиз. Бизга бундай бахт берган, ғуруримизни баланд, қаддимизни тик қилган мустақиллигимиз абадий бўлсин!

– Поезднинг тезлиги юқори бўлса-да, вагонлар ичида ҳеч қандай тебраниш, шовқин сезилмас экан, – дейди "Навоийазот" акциядорлик жамияти бўлим бошлиғи Шуҳрат Жўраев. – Мана, чой ичиб кетяпмиз. Пиёладаги чойнинг тўкилмай турганини кўриб, бир таблодаги поезд тезлигига, бир ойнадан ташқарига қарайман. Таблода тезлик – 250 километрни кўрсатмоқда. Ойнадан юртимизнинг гўзал табиати, обод бўлиб бораётган шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси кино лентасидек ўтмоқда. Бир пайтлар армон, ушалмас орзу бўлган истакларимиз бугун мустақиллик туфайли, Президентимизнинг инсонпарвар сиёсати туфайли амалга ошмоқда. Халқимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш борасида доимий ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

25 август куни соат 8.00 да Тошкент шаҳридан йўлга чиққан поезд орадан 2 соат 8 дақиқа ўтиб Самарқанд темир йўл вокзалида вилоят жамоатчилиги томонидан тантанали кутиб олинди. Соат 10.30 да бир гуруҳ самарқандлик фаоллар қўшилган "Afrosiyob" поезди илк бор Бухоро томон йўлга тушди.

– 2011 йилда Тошкент – Самарқанд йўналишида ушбу поезд қатновининг йўлга қўйилиши юртдошларимиз учун жуда катта қулайлик яратиш билан бирга, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш имкониятларини янада кенгайтирди, – дейди самарқандлик меҳнат фахрийси Зоир Зиёев. – "Afrosiyob"да эрталаб Самарқандга келиб, кечки пайт яна шу поездда Тошкентга қайтиб кетаётган сайёҳлар сафи кенгайди. Энди унинг Бухорога ҳам қатнай бошлаши қадимий шаҳарга келадиган сайёҳлар оқимини янада кенгайтириши шубҳасиз.

Шу кунгача йўловчилар Тошкент ва Бухоро ўртасидаги масофага темир йўл орқали 7-8 соат вақт сарфлаган бўлса, энди 3 соату 20 дақиқада ўз манзилларига замонавий поездларда ҳордиқ чиқариб етиб олишлари мумкин.

– Асли бухороликман, 30 йилдан буён Самарқандда яшайман, – дейди Самарқанд давлат университети профессори Шавкат Ҳасанов. – Баъзан дўстларимиз Бухородан Самарқандга поездда осилиб келиб, шу ерда қолиб кетгансиз, деб мутойиба қилишади. Икки қадимий шаҳар ўртасидаги масофа 300 километрга етмаса-да, ўша вақтларда шугина йўлни босиб ўтиш ҳам нақд азоб эди. У кунларнинг тарих бўлиб қолганига шукр. Мана, энди "Afrosiyob" Бухоро томон йўлимизни яна ҳам қисқа қилди. Бу поезд Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига халқимиз учун энг катта совға бўлди.

Самарқанд, Навоий вилоятларининг истиқлол байрами шукуҳи билан яшаётган шаҳар ва қишлоқлари, бепоён далаларидан елдек учиб ўтган поезд соат 11.40 да Бухоро темир йўл вокзалига етиб келди.

Бу ерда илк поезд ва унинг йўловчилари Бухоро вилояти фаоллари, кенг жамоатчилик томонидан тантанали кутиб олинди. Поезддан тушаётганларнинг тилида шукроналик, юз-кўзида ҳайрат ва қувонч. Барча бир-бирини табриклайди, таассуротларини изҳор этади.

Бухоро вокзалида Тошкент – Бухоро – Тошкент йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган "Afrosiyob" поезди қатновининг йўлга қўйилишига бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Абдуллаев, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О.Раматов ва бошқалар барчани ушбу муҳим воқеа ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги билан муборакбод этди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз темир йўл соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари янги вокзал биноси, бу ерда йўловчилар учун яратилган шароитлар билан танишди. Вилоят марказидаги диққатга сазовор жойларга саёҳат уюштирилди.

Шу куннинг ўзида "Afrosiyob" поезди Бухородан Тошкентга қайтди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу лойиҳанинг фойдаланишга топширилиши натижасида темир йўл участкасининг ўтказиш имконияти 36 фоиз ошиб, эксплуатация харажатлари 36 фоиз камаяди. Ушбу йўналишда 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилган.


Мазкур йўналишда юқори тезликда ҳаракатланувчи поезд қатнови йўлга қўйилиши билан юртимизда бундай поездлар ҳаракатланадиган темир йўллар узунлиги 700 километрдан ошди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокиров сўзга чиқди.

**Ғолиб ҲАСАНОВ, Эркин ЁДГОРОВ, ЎзА мухбирлари**

Реклама ўрнида









Реклама ўрнида

# “ЎЗОЗИҚОВҚАТЗАҲИРА” УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

*мамлакатимиз аҳлини энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги билан самимий қутлайди. Ўтган чорак аср давомида диёримизда эришилган ютуқлар барчамизнинг кўнглимизни хушнуд этади. Шундай қутлуғ кунларда тилагимиз шуки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мамлакатимиз обод бўлсин, ҳар жабҳада тараққиёт ва ривожланишга эришайлик. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!*



# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

## ДУШАНБА, 29

### Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай".
7.30 "Буюк тарих бугун тикланмоқда". Ибн Сино.
7.40 "Кандакорлар". Ҳ/ф.
8.00 "Таҳлилнома".
8.40 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".
9.10 "Учбурчак". Ток-шоу.
10.00 "Анонс".
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Шаҳарлик куёв". В/ф.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "2016 йил – Соғлом она ва бола йили". "Нурли риштлар".
13.20 "Устурлоб".
13.40 "Кунларнинг бирида".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Ҳидоят сари".
14.45 "Менинг боғим".
15.05 "Бизнес-старт".
15.30 "Мўъжизалар макони".
16.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Сухбатдош".
17.25 "Ер сайёраси". Ҳ/ф.
18.15 "Иқлим".
18.20 "Имконият".
18.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Муносабат". Ток-шоу.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига.
21.00 "Ахборот".
21.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига.
22.10 – 23.40 "Қалб амри". Б/ф.
23.40 "Имконият".
00.00 "Менинг боғим".
00.20 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай".
00.50 "Анонс".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Чавандоз". Б/ф.
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".
5.10 – 5.55 "Ватанпарвар".

### Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Олтин даврим". Т/с.
7.30 "Нуқтаи назар".
8.00 "Табассум қил!"
8.30 "Виждон". Б/ф.
9.50 "Ўзбекистон ёшлари".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Ош бўлсин!"
11.40 "Соғлом ҳаёт".
12.00 "Сарой табиби". Т/с.
12.50 "Истиқлол солномаси".
13.00 "Давр".
13.10 "Николас Никльби". Б/ф.
15.30 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол тенгдошлари".
15.50 "Тинчлик нашидаси".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
17.00 "Камолот-инфо".
17.10 "Автопатруль".
17.30 "Алоуддиннинг сеҳрли чироғи". Б/ф.
18.50 "Ватан мадҳи".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Фан ва ёшлар".
20.50 "Истиқлол солномаси".
21.00 "Сарой табиби". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Алоуддиннинг янги саргузашти". Б/ф.
00.10 "Зар замин".
2.10 "Афсона ва ҳақиқат".
5.30 – 6.00 "Давр".

### Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Poytaxt-reportaj".
11.25 "Эртамиз эгалари".
11.45 "Пойтахт-культура".
12.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
13.15 "Тошкентнома".
13.35 "Кинотақдим".
14.10 "Тошкент вақти".
16.10 "Муҳаббат қиссалари: Уйимдаги бегона". Т/с.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Рангли телевизор".
17.50 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Пойтахт-авто".
18.30 "Телетаҳлил".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.10 "Poytaxt-intervyu".
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Уйимдаги бегона". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Ахборот ҳамкор". /Рус тилида/.
21.20 "Сифат назорати".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Защитник". Х/ф.
00.15 "Пойтахт-культура".
00.30 "Телетаҳлил".
1.00 "Пойтахт-авто".
1.15 "Ҳикматли дунё": "Омонат".
2.10 "Кинотақдим".
2.35 "Бахт қўрғони".
3.05 "Эртамиз эгалари".
3.25 "Мен сизга айтсам".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

### Спорт

6.00 Мадҳия.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қувноқ стартлар".
6.45 "Халқ ўйинлари".
7.00 "Sport-online".
8.00 Талқин.
8.35 Интерфутбол.
10.25 "Эътироф".
10.35 "Шахмат дурдоналари".
11.05 Велоспорт.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.05 Автомотоспорт.
14.00 Хабарлар (ўзб)
14.20 Бокс. Халқаро турнир.
15.25 "Спорт сабоқлари".
15.50 Теннис.
17.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.30 Хабарлар (рус).
18.50 "Шижоат".
19.20 "Ёзги Олимпиада – 2016". Унутилмас лаҳзалар.
20.10 "Техноспорт".
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб).
20.50 Интерфутбол.
22.35 "Ёзги Олимпиада – 2016". Унутилмас лаҳзалар.
00.00 Мадҳия.
00.05 Велоспорт.
1.00 Хабарлар.
1.25 Трамплиндан сакраш. Ёзги Гран-при турнири.
8.25 "Теран илдизлар".
8.45 "7 кун нафаси".
9.00 Миллий кино. "Таътилдаги томоша".
10.05 "TV анонс".
10.10 "Маҳалламиз спортчилари".
11.00 "Йўлга чиқдик".
11.25 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
12.05 "Маҳалламиз маликаси".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Абдуллажон".
14.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
15.30 "Ноёб институт".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Фермер".
16.25 "Истиқлол нашидаси".
16.30 "Ихтиро".
16.55 "TV анонс".
17.00 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
17.30 "Очиқ дарс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
19.00 Миллий сериал. "Имтиҳон".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Чироғи ёниқ уй".
20.00 "Халқ виждони". Ток-шоу.
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Бу телба муҳаббат ёхуд Фарҳод ва Ширин".
21.30 "TV анонс".
22.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Осуда ҳаёт".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Маҳалламиз Зулфиялари".
23.35 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
00.35 "Нуроний фасл".
1.00 Миллий кино. "Абдуллажон".
2.15 "Бизнес ва тараққиёт".
2.45 "Маҳаллам ҳақида".
3.05 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
3.35 "Меҳр қолур". Ток-шоу.
4.15 "Чуст пичоқлари". Ҳужжатли фильм.
4.30 "Хатарли қармоқ".
5.00 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
5.35 – 6.00 "Идрок харитаси".

### Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Мультипанорама".
8.10 "Қувноқ стартлар".
8.30 "Мультипанорама".
9.50 "Табиатга саёҳат".
10.10 "Bravo English!"
10.30 "Болалар учун фильм".
13.00 "Сеҳрли қўллар".
13.10 "Болалар учун фильм".
14.40 "Миттивойлар мусобақаси".
15.00 "Эртаклар оламида".
17.00 "Болажон ошхонаси".
17.10 "Болалар учун фильм".
17.50 "Саргузаштлар ороли".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Билағон болажон".
20.00 "Болажонлар саҳнаси".
20.20 "Мультипанорама".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

### Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 Миллий кино. "Абадият чархи". Б/ф.
7.30 Истиқлол фильмлари. "Армонли дунё".
9.15 Саргузашт фильмлар экрани. "Рицарь қиссаси". 1-қисм.
10.20 "Рицарь қиссаси". Б/ф. 2-қисм.
11.25 "Большой солдат". Х/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Куз эртаги". 1 -қисм.
13.55 "Ганновер кўчаси". Б/ф.
15.40 Болалар экрани. "Четан - ҳинду бола".
17.10 "Сайёд". Б/ф.
19.00 "Брюс Ли ҳақида афсона". Т/с.
19.55 Миллий кино. "Сўнгги нафасимгача".
21.10 "Ёлғиз курашчи". Б/ф. 1-қисм.
22.25 "Ёлғиз курашчи". Б/ф. 2-қисм.
23.45 "Урушдаги тинчлик". Қисқа метражли фильм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "История вечной любви". Х/ф.
2.05 "Жапплу". Б/ф.
4.10 "Ўн дақиқа. Виоланчель". Б/ф.
4.55 – 6.00 Миллий сериал. "Сержантлар".

## ЧОРШАНБА, 31

### Ўзбекистон

Қатағон қурбонларини ёд этиш куни.
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай".
7.30 "Буюк тарих бугун тикланмоқда". Ал-Хоразмий.
7.40 "Чашмалар". Х/ф.
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".
9.10 "Иқлим".
9.15 "Чимилдиқ". Б/ф.
10.30 "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Абадият қўшиғи".
11.45 "Сарҳад билмас дўстлик".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига.
14.45 "Анонс".
15.00 "Имконият".
15.20 "Ҳаётдаги мен".
15.50 "Мўъжизалар макони".
16.20 "Иқлим".
16.30 "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Парламент ҳаёти".
17.30 "Менинг боғим".
17.50 "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига.
"Соғлом она ва бола йили".
18.20 "Анонс".
18.30 "Ахборот" /рус/.
19.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.00 "Ахборот".
21.40 – 23.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
23.40 "Абадият қўшиғи".
00.10 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай".
00.40 "Менинг боғим".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
3.30 "Соғлом она ва бола йили".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".
5.10 "Сарҳад билмас дўстлик".
5.25 – 5.55 "Мўъжизалар макони".

### Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Олтин даврим". Т/с.
7.30 "Нуқтаи назар".
8.00 "Табассум қил!"
8.30 "Насриддиннинг саргузашти". Б/ф.
9.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол солномаси".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Ош бўлсин!"
11.40 "Давр мавзуси".
12.00 "Сарой табиби". Т/с.
12.50 "Ўзбекистон ёшлари".
13.00 "Давр".
13.10 "Биринчи рицарь". Б/ф.
15.10 "Тумарис". Х/ф.
15.40 "Ёшлар ва ҳуқуқ".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
16.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига:
"Истиқлол тенгдошлари".
17.10 "Чинор остидаги дуэль". Б/ф.
18.20 "Истиқлол солномаси".
18.30 "Давр".
19.00 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.00 "Имкон-шоу".
21.50 "Тинчлик нашидаси".
22.00 "Давр".
22.30 "Суюнчи". Б/ф.
23.50 "Юртим жамоли".
00.00 "Истиқлол солномаси".
00.10 "Фан ва ёшлар".
1.10 "Оналар мактаби".
1.50 "Хамсахонлик кечаси".
3.10 "Ойбек". Ҳ/ф.
3.40 "Сўз ёшларга".
4.10 "Қорақалпоқ ёшлари".
4.30 "Сеҳрли қўллар".
5.30 – 6.00 "Давр".

### Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Мангуликка дахлдор".
9.50 "Poytaxt-intervyu".
10.20 Миллий кино: "Умид".
11.50 "Poytaxt-madaniyat".
12.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
12.55 "Санамжон".
13.45 "Poytaxt-Hi-tech".
14.10 "Тошкент вақти".
16.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Мустақиллик иншоотлари".
16.50 "Қадриятлар маскани". Ҳ/ф.
17.15 "Poytaxt-intervyu".
17.25 "Равшан". Ҳ/ф.
18.15 "Телемаркет".
18.30 "Мўъжизакор истеъдод". Ҳ/ф.
19.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Буюк ва шонли йўл".
21.35 "Poytaxt-intervyu".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Маргияна". Ҳ/ф.
00.05 "Пойтахт-авто".
00.20 "Мўъжизакор истеъдод". Ҳ/ф.
00.50 "Мен сизга айтсам".
1.30 "Бахт қўрғони".
2.15 "Ҳикматли дунё": "Бувижон".
3.05 "Poytaxt-madaniyat".
3.20 "Буюк ва шонли йўл".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

### Спорт

6.00 Мадҳия.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Ифтихоримсан, спорт".
6.30 "Чемпион".
7.00 "Sport-online".
8.00 Хабарлар.
8.15 Футбол. Мавсумнинг энг яхши ўйинларидан. Ўзбекистон – Филиппин.
10.00 "Эътироф".
10.10 "Шоҳсупага йўл".
10.55 "Халқ ўйинлари".
11.10 "Ёзги Олимпиада – 2016". Унутилмас лаҳзалар.
11.50 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Ватан шаъни".
13.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Ватан шаъни".
14.00 Ҳабарлар (ўзб)
14.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Ўзбек спортчилари – ғолиблар".
14.45 "Техноспорт".
15.15 "Ёзги Олимпиада – 2016". Унутилмас лаҳзалар.
16.00 Футбол. Мавсумнинг энг яхши ўйинларидан. Ўзбекистон – Бахрайн.

### Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
6.35 "Маҳаллам ҳақида".
6.55 Миллий кино. "Дард".
8.30 "Кун нафаси".
8.40 "Очиқ дарс".
9.05 Миллий сериал. "Имтиҳон".
9.35 "TV анонс".
9.40 "Ноёб институт".
10.05 "Истиқлол нашидаси".
10.10 "Табиат шифохонаси".
10.35 "Изҳор".
10.40 "Тараққиёт сари".
11.05 "Биламизку, аммо".
11.30 "Истиқлол нашидаси".
11.35 "Табаррук анъана".
12.00 "Маҳалламиз болалари".
12.30 "Маҳалламиз Зулфиялари".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Келинлар қўзғолони".
14.10 "Халқ виждони". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
15.30 "Эҳтиёж формуласи".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Қадр топган қадриятлар".
16.30 "Изҳор".
16.35 "Осуда ҳаёт".
17.00 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
17.30 "TV анонс".
17.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига. "Соғлом турмуш".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига. "Тараддуд".
18.25 "Обод юрт одамлари".
18.50 "Истиқлол нашидаси".
19.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.00 Миллий кино. "Жасур".
22.25 "TV анонс".
22.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига. "Ён қўшним-жон қўшним".
23.00 "Истиқлол нашидаси".
23.10 "Маҳалламиз маликаси".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
00.35 "Мўъжаз Ватан".
1.00 Миллий кино. "Келинлар қўзғолони".
2.10 "Истиқлол нашидаси".
2.15 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
3.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
3.35 "Теран илдизлар".
4.00 "Кариси бор уй".
4.25 "Етти хазина".
5.00 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
5.35 – 6.00 "Йўлга чиқдик".

### Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Мультипанорама".
8.10 "Қувноқ стартлар".
8.30 "Мультипанорама".
9.50 "Топағон болажон".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Эртаклар оламида".
12.00 "До-ми-соль".
12.20 "Bravo English!"
12.40 "Саргузаштлар ороли".
13.10 "Болалар учун фильм".
14.40 "Миттивойлар мусобақаси".
15.00 "Мультипанорама".
16.00 "Боғбон болажон".
16.10 "Табиатга саёҳат".
16.30 "Эртаклар оламида".
18.00 "Сеҳрли қўллар".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Билағон болажон".
20.00 "Болажонлар саҳнаси".
20.20 "Мультипанорама".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

### Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 Миллий кино. "Ўтган кунлар".
7.40 Миллий кино. "Чавандоз".
9.10 Саргузашт фильмлар экрани. "Покахонтас афсонаси".
10.50 "Боевой конь". Х/ф. 1-қисм.
12.05 "Боевой конь". Х/ф. 2-қисм.
13.20 Кундузги сериал. "Куз эртаги".
14.15 Миллий кино. "Армонли дунё".
16.00 Миллий кино. "Катта ҳовли".
17.30 Миллий кино "Қасамёд".
18.50 "Кинотахлил".
19.25 Миллий кино. "Ватан".
21.00 "Шерюрак". Б/ф. 1-қисм.
22.30 "Шерюрак". Б/ф. 2-қисм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Братья ветра". Х/ф.
1.50 "Ганди". Б/ф.
4.55 – 6.00 Миллий сериал. "Сержантлар".

## СЕШАНБА, 30

### Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай".
7.30 "Буюк тарих бугун тикланмоқда". Амир Темур.
7.40 "Диёрим табиати". Ҳ/ф.
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".
9.10 "Сухбатдош".
9.30 "Анонс".
9.45 "Таҳлил-25".
10.15 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Кўнгил ободлиги".
11.40 "Менинг ҳуқуқим".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
13.50 "Анонс".
14.00 "Ахборот".
14.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига.
14.45 "Анонс".
14.55 "Қишлоқ ҳаёти".
15.15 "Муносабат". Ток-шоу.
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Устурлоб".
16.30 "Ахборот". /инглиз/.
16.40 "Қорачик".
17.00 "Ахборот".
17.10 "2016 йил – Соғлом она ва бола йили". "Нурли риштлар".
17.30 "Минг бир жон". В/ф.
18.50 "Анонс".
19.05 "Агроолам".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига.
21.00 "Ахборот".
21.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига.
22.10 – 23.30 "Абадият чархи". Б/ф.
23.30 "Таҳлил-25".
00.00 "Устурлоб".
00.20 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай".
00.50 "Анонс".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Бурч ва муҳаббат". Б/ф.
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".
5.15 "Қорачик".
5.35 – 5.55 "Агроолам".

### Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Олтин даврим". Т/с.
7.30 "Ош бўлсин!"
8.10 "Ватан". Б/ф.
9.50 "Тинчлик нашидаси".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Оналар мактаби".
11.40 "Автопатруль".
12.00 "Сарой табиби". Т/с.
12.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол солномаси".
13.00 "Давр".
13.10 "Шерюрак". Б/ф.
15.50 "Ватан мадҳи".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
16.50 "Биз киммиз?"
17.10 "Давр мавзуси".
17.30 "Ялангоёқ махбубам". Б/ф.
18.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Ўзбекистон ёшлари".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Фан ва ёшлар".
20.50 "Истиқлол солномаси".
21.00 "Сарой табиби". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Никоҳ". Б/ф.
00.10 "Амир Темур". Ҳ/ф.
1.10 "Ватанпарвар".
1.50 "Нуқтаи назар".
2.30 "Қалпоқ". Ҳажвия.
3.00 "Имкон-шоу".
3.30 "Ажабкишлоқ ҳангомалари".
4.20 "Истиқлол шукуҳи".
4.30 "Мангу хотира".
4.50 "Шарқ гавҳари".
5.30 – 6.00 "Давр".

### Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.10 "Poytaxt-intervyu".
10.20 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Муштарак ришталар". Ҳ/ф.
11.45 "Пойтахт-Hi-tech".
12.15 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
13.15 "Кинотақдим".
13.35 "Ахборот ҳамкор". /Рус тилида/.
14.10 "Тошкент вақти".
16.10 "Муҳаббат қиссалари: Уйимдаги бегона". Т/с. /Премьера/.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Телетаҳлил".
17.50 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Обод хонадон".
18.45 "Poytaxt-Hi-tech".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Уйимдаги бегона". Т/с. /Премьера/.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Мангуликка дахлдор".
21.30 "Poytaxt-madaniyat".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Тотем волка". Ҳ/ф.
00.05 "Обод хонадон".
00.30 "Ҳикматли дунё": "Имконият".
1.20 "Poytaxt-avto".
1.35 "Тошкентнома".
2.15 "Кўнгил ҳайратлари".
2.45 "Мен сизга айтсам".
3.20 "Буюк ва шонли йўл".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

### Спорт

6.00 Мадҳия.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Болалар спорти".
6.35 "Спорт фидойилари".
7.00 "Sport-online".
8.00 Хабарлар.
8.15 Интерфутбол.
9.55 "Шижоат".
10.20 Велоспорт.
11.15 "Соғлом турмуш сари".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.05 Автомотоспорт.
14.00 Ҳабарлар (ўзб).
14.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Ўзбек спортчилари зафарли одимлари".
14.45 Теннис.
16.10 "Соғломжон-полвонжон".
16.35 "Шахмат дурдоналари".
17.10 "Ёзги Олимпиада – 2016". Унутилмас лаҳзалар.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Ифтихоримсан, спорт".
18.15 "Техноспорт".
18.30 Хабарлар (рус).
18.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Чемпион".
19.10 "Ёзги Олимпиада – 2016". Унутилмас лаҳзалар.
20.05 "Ватан шаъни".
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб).
20.55 "Ёзги Олимпиада – 2016". Унутилмас лаҳзалар.
21.40 Футбол. Мавсумнинг энг яхши ўйинларидан. Ўзбекистон – Филиппин.
23.30 "Чемпион".
00.00 Мадҳия.
00.05 Велоспорт.
1.00 Хабарлар.
1.25 Трамплиндан сакраш. Ёзги Гран-при турнири.
2.25 "Ёзги Олимпиада – 2016". Унутилмас лаҳзалар.
3.10 "Ёзги Олимпиада – 2016". Унутилмас лаҳзалар.
4.10 "Ватан шаъни".
4.40 – 6.00 Теннис.

### Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
6.35 "Осуда ҳаёт".
7.00 Миллий кино. "Бу телба муҳаббат ёхуд Фарҳод ва Ширин".
8.30 "Кун нафаси".
8.40 "Чироғи ёниқ уй".
9.05 Миллий сериал. "Имтиҳон".
9.35 "Қадр топган қадриятлар".
10.05 "Халқ виждони". Ток-шоу.
11.00 "Менинг маҳаллам".
11.30 "TV анонс".
11.35 "Очиқ дарс".
12.00 "Изҳор".
12.05 "Қайнона бисотидан".
12.30 "Истиқлол нашидаси".
12.35 "Теран илдизлар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Телба эмасман".
14.10 "Маҳалламиз спортчилари".
15.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
15.30 "Турфа маслаҳат".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
16.40 "Мўъжаз Ватан".
17.00 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
17.30 "Маҳалламиз болалари".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Табаррук анъана".
18.25 "Истиқлол нашидаси".
18.30 "Ноёб институт".
19.00 Миллий сериал. "Имтиҳон".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Маҳалламиз Зулфиялари".
20.00 "Биламизку, аммо".
20.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Тараққиёт сари".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Дард".
22.35 "Табиат шифохонаси".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Ён қўшним – жон қўшним".
23.35 "Соғлом турмуш".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
00.35 "Мисли гавҳар".
00.55 "Истиқлол нашидаси".
1.00 Миллий кино. "Телба эмасман".
2.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
3.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
3.35 "Истеъдод".
4.00 "Ноёб институт".
4.25 "Истиқлол нашидаси".
4.30 "Ихтиро".
5.00 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
5.35 – 6.00 "Фермер".

### Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Мультипанорама".
8.10 "Қувноқ стартлар".
8.30 "Мультипанорама".
9.50 "Табиатга саёҳат".
10.10 "Bravo English!"
10.30 "Мультипанорама".
12.50 "Ширинтой-кичкинтойлар".
13.10 "Эртаклар оламида".
14.20 "Болажон ошхонаси".
14.30 "Билағон болажон".
15.00 "Болалар учун фильм".
17.50 "Сеҳрли қўллар".
18.00 "Электрон дунё".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Саргузаштлар ороли".
20.00 "Story time".
20.20 "Мультипанорама".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

### Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 Миллий кино. "Ҳақиқат куни".
7.30 Миллий кино. "Сўнгги нафасимгача".
8.50 Саргузашт фильмлар экрани. "Анна ва қирол". 1-қисм.
10.00 "Анна ва қирол". 2-қисм.
11.15 "Лига мечты". Х/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Куз эртаги".
13.55 "Дарё ортга қайтмайди". Б/ф.
15.20 Болалар экрани. "Бўронлар ҳукмдори".
16.55 "Ёшлик аҳдномаси". Б/ф.
19.05 "Брюс Ли ҳақида афсона". Т/с.
19.55 "Kinohouse".
20.20 Миллий кино. "Чавандоз".
21.50 "Адмирал". Б/ф. 1-қисм.
22.55 "Адмирал". Б/ф. 2-қисм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Двенадцать лет рабства". Х/ф.
2.05 "Пешкадам". Б/ф.
4.20 "Бахт бу". Б/ф.
4.55 – 6.00 Миллий сериал. "Сержантлар".

## ПАЙШАНБА, 1

### Ўзбекистон

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги.
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай".
7.30 "Буюк тарих бугун тикланмоқда". Ал-Фарғоний.
7.40 "Мўъжизакор батик". Ҳ/ф.
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".
9.15 "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига. "Соғлом она ва бола йили".
9.45 "Анонс".
10.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига.
13.30 "Заковат".
14.40 "Алпомиш". Б/ф.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Сухбатдош".
17.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига.
17.55 "Иқлим".
18.00 "Лойиҳадан натижагача".
18.20 "Кўнгил ободлиги".
18.50 "Анонс".
19.05 "Қишлоқ ҳаёти".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бизнес-старт".
22.10 – 23.30 "Мафтунингман". Б/ф.
23.30 "Қишлоқ ҳаёти".
23.50 "Кўнгил ободлиги".
00.20 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай".
00.50 "Анонс".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Заковат".
3.40 "Мўъжизакор батик". Ҳ/ф.
4.00 "Ахборот".
4.35 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".
5.05 "Менинг боғим".
5.25 – 5.55 "Бизнес-старт".

### Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Олтин даврим". Т/с.
7.30 "Ош бўлсин!"
8.10 "Яна ўша Насриддин". Б/ф.
9.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Ўзбекистон ёшлари".
10.00 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақилл

"BEST COLOR TEXTILE"

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимиз ва соҳа ходимларини Ватанимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги байрами билан энг эзгу тилакларни изҳор этган ҳолда қутлайди.

Юртимиз равнақи йўлидаги меҳнатингиз самарали бўлишига тилакдошмиз.

Сизларни аъло кайфият ва кўнгил хотиржамлиги асло тарк этмасин!

Реклама ўрнида



АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни улуғ байрам — мамлакатимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги айёми билан самимий табриклаймиз. Ҳар доим осмонимиз мусаффо, юртимиз обод бўлсин. Истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳар бир эзгу ишларимиз кўнгилларни чароғон этсин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

# ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

***Мустақиллик йилларида бошқа соҳаларда бўлгани каби геодезия ва картография соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди, кўплаб ютуқларга эришилди. Қўл меҳнати жараёнлари ўрнини замонавий, рақамли технологиялар эгаллай бошлади. Жумладан, электрон тахеометрлар, юқори аниқликдаги GPS ўлчов асбоблари ҳамда сўнгги русумдаги компьютер ва дастурлар амалиётга жорий қилинди.***

Шу ва мустақиллик йилларида геодезия ва картография соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида атрофлича маълумот берилди.

Бугунги кунда "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси томонидан 200 дан ортиқ картографик маҳсулотлар ўзбек ва рус тилларда нашр этилган. Таълим муассасалари учун атласлар ва контур хариталар, Ўзбекистон Республикасининг умумий географик ва сиёсий-маъмурий хариталари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ўлкашунослик ҳамда маданий мерос объектларининг атласлари, мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари, ёдгорликлар, табиатнинг қизиқарли манзаралари тасвирланган сайёҳлик хариталари ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилмоқда.

Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида "Ўзбекистон Республикасининг географик атласи"нинг янги таҳрири ўзбек тилида нашрдан чиқарилди.

Анжуманда таъкидланишича, қўмита томонидан шунингдек, турли масштабдаги рақамли топографик хариталарни яратиш, тахеометрик, ер ости коммуникация иншоотлари съёмка ишлари, ернинг сунъий йўлдош тизимларига асосланган замонавий навигация технологияларини қўллаб янги геодезик тармоқларини яратиш, ҳудудларнинг рақамли топографик хариталарини яратиш учун аэрофотосъёмкалар ҳамда географик объектлар номларини мувофиқлаштириш ишлари олиб борилаётир.

Тизимдаги корхона ва ташкилотлар томонидан республикамиз ҳудудида 50 та доимий фаолият кўрсатувчи GPS станциялари ишга туширилди. Барча вилоятларда ахборот таҳлил марказлари ташкил этилди.

Журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

2016 йил 27 сентябрь куни соат 12.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 02.09.2011 йилдаги 10-1117/9934-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 77-уйда сақланаётган бошланғич баҳоси 42 858 000 сўм бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 01/151DCA, "Ласетти" р-ли ав-наси қўйилмоқда. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12:00да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АТБ "*Infin*BANK" банкдаги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. E-mail: info@auksion.uz. Тел: (95) 193-74-96.

**Гувоҳнома № 005148**

**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!**

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий кўчаси, 17-даҳада жойлашган бошланғич баҳоси 1 078 667 000 сўм бўлган "Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш тармоқлари" Чилонзор туман СИБнинг 21.08.2016 йилдаги 45163/7-сонли хатига асосан "VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг аукцион савдоларидан олинди. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz.

**Лицензия рақами RR 0173**



Ёлқин Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат

***Айни пайтда ўлкамизда пишиқчилик. Бозорларимиз фермеру соҳибкорларнинг фидокорона меҳнати эвазига етиштирилган нозу неъматлар билан тўкин. Сархил мева ва сабзавотлар, полиз ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари нафақат арзонлиги, балки сероблиги билан ҳам кўзни қувонтиради. Замонавий қиёфа касб этиб, хизмат кўрсатиш маданияти юксалган бозорларимиз мустақиллик байрами арафасида янада гавжумлашган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси улардаги файз ва тўкинликни янада оширмоқда.***

**Байрам ярмаркалари**

# ҲАМ АРЗОН, ҲАМ СИФАТЛИ

"Тошбозорсавдо" уюшмасидан маълум қилишларича, қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини пойтахтимизга арзон нархда келтириш, сотувчию харидорларга кенг қулайлик яратиш мақсадида ҳар бир деҳқон бозори ҳудудида Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан савдо ярмаркалари ташкил этилди.

"Қўйлиқ деҳқон бозори"да Наманган вилояти фермер хўжаликлари вакиллари йигирмадан ортиқ турдаги мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари савдосини йўлга қўйган.

– Вилоятимиз фермерлари ҳар куни пойтахтликлар дастурхонига 25-30 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бермоқда, – дейди Наманган вилояти ҳокимлиги вакили Алишер Жавҳаров. – Жорий йилда етиштирилган 70 минг тонна узум, 90 минг тонна мева, 80 минг тонна картошка каби маҳсулотларнинг асосий қисми ички бозорга етказиб берилса, яна бир қисми чет давлатларга экспорт қилинади. Бу борада шартномалар имзоланган.

Ярмаркада юртимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар харидорларга тақдим этилаётир. "Самарқанд парранда", "Ay-Sirem", "Dena", "Agromir" каби ўттиздан зиёд корхонада ишлаб чиқарилган юқори сифатли сархил маҳсулотлар бозор файзини янада оширмоқда.

– Бозорга келувчилар арзон ва сифатли маҳсулот харид қилишни хоҳлайди, – дейди "Қўйлиқ деҳқон бозори"нинг савдо ва ижара бўлими бошлиғи Наргиза Орипова. – Шу жиҳатдан Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Наманган вилоятларидан келтирилган гўшт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, Хоразм гуручлари қисқа вақт ичида кўпчиликнинг ишончини қозонди. Бозоримизда "Элга хизмат" корхонаси ҳам ишлаб турибди. Унинг саккизта шохобчасида август ойининг ўтган даврида пластик карточкалар орқали 200 миллион сўмлик тўлов амалга оширилди.

– Айни кунларда бозорларимизда сархил мева-сабзавотларни арзон нархларда, саралаб харид қилиш имконияти мавжуд, – дейди 63 ёшли Хатминисо Дадажонова. – Пскентдан меҳмонга келаётгандим, бозорга кириб набираларим учун ўзимизда ишлаб чиқарилаётган "Қувонч", "Юлдузча" печеньесидан харид қилдим. Сифати юқори, қадоғи чиройли, нархи ҳамёнбоп, кўриниши ҳам номига лойиқ. Халқимизнинг фаровон турмуш кечириши ва келажагини таъминлашга доимий эътибор қаратаётгани учун Юртбошимиздан чексиз миннатдормиз.

Савдо ярмаркаларига келган барча маҳсулотлар бозорлардаги мавжуд ветеринария-санитария экспертиза лабораторияси ходимлари томонидан текширувдан ўтказилиб, тегишли сертификат билан таъминлангач, сотувга чиқарилмоқда.

– Бозорларимиздаги файзу баракани, тозалик ва ободликни кўриб, дилинг яйрайди, – дейди Бектемир туманида яшовчи Мирсиддиқ Маҳсумов. – Айниқса, байрамлар арафасидаги савдо ярмаркалари аҳолига янада кенг қулайлик яратаётир. Юртимизда етиштирилган мевалларнинг мазаси тилни ёради.

Бундай фаровонлик ва мўлкўлчилик ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Бунинг замирида Президентимиз раҳнамолигида узоқни кўзлаб, халқ манфаати ва юрт истиқболи йўлида амалга оширилаётган изчил ва босқичма-босқич ислоҳотлар, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, заҳматли меҳнати, азму шижоати мужассамдир.

– Бозорларимиз йилнинг барча фаслида бирдек тўкинсочин, – дейди харидор Мафтуна Раҳимова. – Пишиқчилик даврида бевосита даладан олиб келинаётган маҳсулотларнинг энг сарасини танлаб, ишлаб чиқарувчининг ўзидан харид қилганга нима етсин?! Буларнинг барчаси оилалар мустаҳкамлигига, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишига хизмат қилади.

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз айёми – Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган савдо ярмаркалари пойтахтимиз бозорлари ва туман марказларидаги савдо расталарида жорий йилнинг 5 сентябрига қадар давом этади.

**(ЎзА)**

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Адолат" социал-демократик партияси марказий кенгаши томонидан мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб, "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида иншолар танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***



Танловлар

# ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

Энг улуғ ва энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган танловнинг туман, шаҳар ҳудудий босқичларида касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўн мингдан зиёд ёшлар иштирок этди.

Тадбирга йиғилганлар дастлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона фаолияти ва унда сақланаётган тарихий-маънавий меросимиз, китобхонлар учун яратилган шароитлар билан яқиндан таништирилиб, кутубхона бўйлаб саёҳат қилдилар.

Шундан сўнг, "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳмонов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, билим олиши, ўз қобилиятини юзага чиқариши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда ва ёш авлоднинг эзгу-умидларини юзага чиқариш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Танлов иштирокчиларининг, обод ва озод Ватанимиз мадҳи, юртимиздаги беқиёс янгиланишлар, ёшлар камолоти учун яратилган шарт-шароитлар, огоҳлик, тинчликнинг қадр-қиммати, ўз орзу-мақсадларини самимий сатрларда ифодалаган юздан ортиқ энг яхши иншолари "Истиқлол шукуҳи" номли тўпламга жамланди.

Тўпламни варақлар эканмиз, орзу-интилишлари сари дадил қадам ташлаётган ёшларнинг шижоатли қалбида фахр-ифтихор, Ватанга садоқат, истиқлол берган бебаҳо имкониятларни қадрлаш, шу азиз юрт фарзанди эканидан чексиз бахтиёрлик туйғулари мужассам эканига яна бир бор шоҳид бўлдик.

Танлов якунига кўра олий таълим муассасалари ўртасида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси Марс Бердибоев, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Нодира Fозиева биринчи ўринга муносиб деб топилди.

– Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Иншолар танлови"нинг мамлакат босқичида биринчи ўринга сазовор бўлишимнинг ўзи мен учун жуда катта бахт, олий саодат, – дейди танлов ғолиби Нодира Fозиева. – Бу ютуқ, жаннатмакон она юртимизда биз ёшларга яртиб берилаётган имкониятларнинг ширин ва тотли мевасидир. Шундай муқаддас заминда туғилиб камолга етаётганимга шукрона айтаман.

Тақдимот маросими якунида иншолар танловининг республика босқичи ғолиблари партиянинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**
**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**

# ЗУККО, ТАШАББУСКОР, ФАОЛ ҚИЗЛАР

***Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ташкил этилган "Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг мамлакат босқичи ўтказилди.***

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси С.Отамуродов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб камолга етказиш, ҳуқуқий, сиёсий билимларини бойитиш масаласига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг иқтидорли қизлари ўртасида ташкил этилган мазкур танловдан кўзланган асосий мақсад хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувида, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ролини кучайтиришдан иборатдир.

"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган танлов доирасида партия "Аёллар қаноти" етакчилари ва ҳудудий босқич ғолиблари Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари билан учрашди.

Танловнинг қуйи босқичида ғолиб бўлган 14 иштирокчи "Ўзини таништириш", "Партия дастурий мақсадларини тушунтириш" ва "Сиёсий-ҳуқуқий соҳада савол-жавоб" шартлари бўйича ўзаро баҳслашди. Шартлар давомида уларнинг истиқлол йилларида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қўлга киритилган ютуқларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мустақилликнинг маънавий асослари, ёш авлодга кўрсатилаётган меҳр ва эътибор, бой илмий-маданий, маънавий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларга оид билимлари синовдан ўтказилди.

Танлов натижасига кўра Самарқанд давлат чет тиллар институти магистранти Баҳора Эргашева биринчи ўринга муносиб топилди.

**Н.УСМОНОВА**

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР ФОРУМИ

***Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Ёш мутахассислар" IV республика форумини ўтказди.***

Форумда мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани қайд этилди.

Ўзбекистонда ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялашда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигининг йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуруламал бўлмоқда.

"Ёш мутахассислар" IV республика форуми ёшларнинг етук мутахассис бўлиш каби интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг инновацион ғоя, лойиҳа ва ишланмаларини ҳаётга татбиқ этиш орқали ёшлар бандлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ёш мутахассислар фаоллигини ва мамлакатда рўй бераётган ижобий ўзгаришларда дахлдорлик ҳиссини оширишга хизмат қилаётир.

Бу йил форум доирасида уч босқичда "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танлови ўтказилиб, унинг қуйи босқичларида 14 номинация бўйича 6 мингга яқин ёш мутахассис қатнашди. Ҳар бир номинация бўйича биринчи, иккинчи, учинчи ўринни эгаллаган йигит-қизлар "Ёш мутахассислар" IV республика форумида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Форумда ёш мутахассисларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилган янги лойиҳалари, улар натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ва унумдорлигининг ортиши, инновацион ишланмаларнинг иқтисодиётимизни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасига алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, ёшларнинг ноёб кашфиётлари юзага чиқарилди. Масалан, "Максам-Чирчиқ" жамиятида катализатор ишлаб чиқариш цехи технологи Арсен Алиев ўз лойиҳасида хориждан келтирилаётган металл катанка хом ашёси ўрнига "Ўзкимёсаноат" корхоналарида аммиакни синтез қилиш технологиясида ишлатилаётган катализатор чиқиндисидан фойдаланишни таклиф этмоқда.

– Мазкур лойиҳани амалиётга татбиқ этиш орқали махсус катализатор олиш катта фойда келтиради, – дейди ЎзА мухбирига А.Алиев. – Лойиҳани амалиётга татбиқ этиш натижасида бир тонна маҳсулот ишлаб чиқаришда четдан келтирилаётган хомашё нархига нисбатан қарийб уч миллион сўм тежалади.

"Навоийазот" жамияти вакили Беҳзод Шералиев лойиҳаси йирик қувватли аммиак ва азот кислотаси маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида катта қувватли электродвигателлар ўрнига буғ билан ҳаракатга келтирилувчи турбиналарни ишлатиш орқали корхоналарда катта ҳажмдаги электр энергиясини тежаш имконини беради. Бу маҳсулот таннархини пасайтириб, рақобатбардошлигини оширади.

Форумда Касаба уюшмалари федерацияси жорий йилда илк маротаба мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказган "Энг яхши ишчи касб эгаси" танлови ғолиблари ҳам қатнашди.

Форум иштирокчилари Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиб, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги "Бўстон" санаторийсида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган "Ким эдигу, ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак" мавзуида тарғибот тадбири ўтказилди. Ёшларнинг иқтидори ва қобилиятини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ижтимоий мослашув, "устоз-шогирд" анъанаси, ёш кадрларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларнинг малакасини оширишга оид мавзуларда маърузалар тингланди. Турли тармоқларда самарали меҳнат қилаётган ёш мутахассисларнинг касб фаолиятига оид кўргазмалар ташкил этилиб, ёш мутахассисларнинг илғор ишланма ва лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ташкил этилган тақдирлаш маросимида Жиззах политехника институтининг катта ўқитувчиси Жамшид Абдуназаров, Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг бино ва иншоотлар кафедраси доценти Саид Шоумаров ҳамда Навоий вилояти Навбаҳор енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Диёра Қаҳҳоровага Касаба уюшмалари федерациясининг гранти топширилди.

Тадбир санъаткорларнинг концерт дастури билан якунланди.

**Сайёра ШОЕВА**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!!!**

2016 йил 27 сентябрь куни соат 10.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Олий ҳарбий божхона институти балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Бошланғич баҳоси 2 218 700 сўм бўлган 2002 йилда и/ч, д/р 01/874МВА, "ДЭУ ТИКО" р-ли; бошланғич баҳоси 4 250 000 сўм бўлган 2002 йилда и/ч, д/р 01/473КВА, "ДЭУ ДАМАС" р-ли; бошланғич баҳоси 12 870 000 сўм бўлган 1997 йилда и/ч, д/р 01/842МВА, "Мидибус Отайўл М-24" р-ли. Закалат миқдори 50%. Аукцион ғолиби томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотув нархининг 4 фоиз миқдорида комиссион йиғим тўланади. Мазкур мулклар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2016 йил 4, 11, 18, 25 октябрь ва ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари юқорида кўрсатиб ўтилган соатларда ўтказилади. Аукцион ғолиблари савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) кун ичида "Сотувчи" билан олди-сотди шартномасини тузади.

2016 йил 27 сентябрь куни соат 12.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2.09.2011 йилдаги 10-1117/9934-сонли ижро варақасига асосан Юнусобод туман СИБ томонидан хатланган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 77-уйда сақланаётган бошланғич баҳоси 42 858 000 сўм бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 01/151DCA, "Ласетти" р-ли ав-наси қўйилмоқда. Закалат миқдори 10 %. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим.

Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 10.00 да ва 12:00да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) ва 50 (эллик) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АТБ "*Infin*BANK" банкдаги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. E-mail: info@auksion.uz. Тел: (95) 193-74-96.

**Гувоҳнома № 005148**

"GRADUAL GROUP" хусусий корхонаси мулкдорининг 2016 йил 26 август кунидаги 18-сонли қарорига мувофиқ, корхонанинг устав фонди 1 000 000 000,00 сўм миқдоридан 998 000 000,00 сўм миқдорида камайтирилиб, янги устав фондининг миқдори 2 000 000, 00 сўмни ташкил этади. Ариза ва мурожаатлар қуйидаги манзилда қабул қилинмоқда: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Катта Хирмонтепа кўчаси, 1-уй.


Спорт

# ҒАЛАБА КЕЛТИРГАН ЯГОНА ГОЛ

***"Пахтакор" марказий стадионига йиғилган минглаб футбол мухлислари Ўзбекистон — Буркина-Фасо миллий терма жамоалари ўртасидаги назорат-ўртоқлик учрашувига гувоҳ бўлишди.***

Жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи ҳал қилувчи босқичига тайёргарлик доирасида уюштирилган ушбу баҳсга миллий терма жамоамизнинг етакчилари — Одил Аҳмедов, Виталий Денисов, Санжар Турсунов, Сардор Рашидовлар таклиф этилмади. Аммо бошқа легионерлар ҳамда миллий чемпионатимизда фаолият олиб бораётган иқтидорли чарм тўп усталарига учрашувда имконият берилди.

Айтиш жоизки, терма жамоамиз ўйинда рақибларга нисбатан сермазмун ўйин намойиш эта олди. Учрашувда устунлик қилган футболчиларимиз буни ҳисобда ҳам акс эттира олишди. Ўйин 1:0 ҳисобида ҳамюртларимизнинг ғалабаси билан якунланди. Терма жамоамизга ғалаба келтирган ягона голни 41-дақиқада Егорь Кримец дарвозага киритди.

Энди Самвел Бабаян шогирдлари 1 сентябрда Тошкентдаги "Бунёдкор" стадионида жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичи доирасида Сурия терма жамоаси билан куч синашадилар. Ушбу учрашувга барча етакчи футболчилар таклиф этилган.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# БОЛАЛАРГА ШОДЛИК УЛАШИБ

***Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 440-мактабгача таълим муассасасида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб халқ таълими тизимидаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида "Кичкинтой-ширинтой" спорт мусобақаси ўтказилди.***

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Тошкент шаҳар таянч маскани томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасаларининг 2010-2011 йилларда туғилган 150 нафардан ортиқ тарбияланувчиси ўзаро баҳслашди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан етук қилиб тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Халқ таълими тизимидаги мактабгача таълим муассасаларидаги болаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, мактабгача ёшдаги болаларнинг спортга бўлган қизиқишини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Спортга иштиёқманд болалар сафи йилдан йилга кўпаймоқда.

Анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур мусобақа ҳам байрам тадбири билан уйғунлашиб, йиғилганларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Болажонлар икки гуруҳга бўлинган ҳолда спортнинг арқон тортиш, узунликка сакраш, ҳалқага тўп тушириш, эстафета каби турлари бўйича баҳслашди. Кичкинтойлар ҳар бир шартни кўтаринки руҳ ва чаққонлик билан бажарди. Якунда ғолиблар ва барча иштирокчиларга совғалар топширилди.

**Н.НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **27 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **27 августда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9289

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ